



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРДА ШАХМАТ ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ВА ШАХСИЙ СИФАТЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Холиқов Умиджон Кўчқарович

shox75@mail.ru тел:+9989991780 Ўзбекистон

Гулистон давлат унверситети

«Педагогика» кафедраси докторант.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7371165>

ARTICLE INFO

Received: 10th November 2022

Accepted: 20th November 2022

Online: 28th November 2022

KEY WORDS

диққати, идроки, тафаккури, хотираси, шахмат, шахсий сифатлар, мантиқий фикрлаш, шахмат, шахмат ўйини.

ABSTRACT

Мақолада ёш авлодни таълим тарбия беришда шахмат ўйини орқали бошланғич синф ўқувчиларида шахсий сифат ва мантиқий фикрлашларини шакллантиришни кўп жиҳатдан ўйинчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлиб, хотира, диққат ва фикрлаш каби руҳий жараёнларни долзарб илмий-амалий масала сифати ўрганилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг шахматни ўрганиш салоҳиятини тўлиқ баҳолаш учун 5 та ўналиш бўйича шахмат ўйинига қобилиятини баҳолаш методикаси таклиф этилади: психологик сифатлар, жисмоний сифатлар, ақлий сифатлар, ижодий ва маънавий-ахлоқий фазилятлар.

Ўзбекистондан ёрқин шахмат юлдузлари, жаҳон чемпионлари етишиб чиқаётганлиги бежиз эмас. Юртдошларимизнинг дунё шахмат оламини тез-тез ларзага солаётганини ҳам тасодиф, деб бўлмайди. Зотан, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам шахмат ватани деган шарафли номга асосли равишда даъвогарлик қила олади. Афросиёбда ёдгорлигида фил суягидан ясалган шахмат ҳайкалчаларининг тўлиқ тўпламига дуч келингани, қадимий Далварзинтепа ҳудудида Кушон империяси даврига оид иккита ноёб шахмат ҳайкалчаси топилгани заминимизда шахмат ўйини эрамиздан олдинги пурдардам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, аждодларимиз томонидан «ақл чархи» сифатида қаралган ушбу ўйин заминимизда қадим-қадимдан кенг қулоч ёйган. Ҳарб илми ва шатранжда тенгсиз бўлган соҳибқирон Амир Темури одатдаги шахматнинг қонун-қоидаларини ислоҳ қилиб, ҳатто мураккаб шахмат турини яратган. Унга «Шатранжи комил» деб ном берганлиги тарихдан маълум.

Шахмат боланинг мантиқий фикрлаш ва шахсий сифатларни шакллантиришга ёрдам берадиган педагогик воситалардан бири деб ҳисобласак муболаға бўлмайди. Кўплаб психолог ва педагог олимларнинг фикрига кўра, шахмат боланинг шахсий сифатларни шакллантиришга ҳам таъсир кўрсатади. Кўпгина илғор мамлакатларда шахмат ўйини мактаб таълимининг бошланғич босқичига киритилган ва ўқувчиларнинг ижодий шакллантириш учун энг фаол воситалардан бири сифатида қўлланиб келмоқда. Таъкидлаш

жоизки, ўқувчиларни шахмат билан шуғуланиши уларга бошқа ўқув фанларини ўзлаштиришда ҳам ижобий таъсир кўрсатиши кўплаб маҳаллий ва хорижий олимларнинг тадқиқотларида исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги «Ўзбекистон Республикасида шахматни шаклантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3906-сон ва 2021 йил 14 январдаги «Шахматни янада шаклантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4954-сон Қарорларида «... умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитишни босқичма-босқич қамраб олиш, юқори малакали мураббий кадрларни тайёрлаш, шахмат клублари ва умумий ўрта таълим мактаблари шахмат синфларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш», «... тегишли 1000 та умумий ўрта таълим мактабида 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини «Жисмоний тарбия» фани доирасида 18 соатлик режа асосида шахматга ўқитиш йўлга қўйилади ҳамда уларга методик ёрдам» кўрсатилиши назарда тутилган.

Илмий тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, шахмат билан доимий шуғулланаётган болалар мактабда, айниқса табиий фанлар бўйича ўзлаштириши юқори бўлади, унинг келажакда мактабдаги ютуқлари яхши кўрсаткичларидан бири, чунки шахмат туфайли қуйидагиларга эришилади:

-мантиқий фикрлаш кўникмаларини шаклантириш. Кўп ўтишли ўйинлар мантиқ, хотира ва тасаввурни ривожлантиради. Ўйин давомида болага қатъиятлик, мақсадга интилиш, диққатли бўлиш ўқтирилади;

-мантиқий қарор қабул қилиш шаклланади. Ўйин тушунчаси кичик ёшдаги болада ўз вақтида қарор қабул қилиш ва унга тўлиқ жавобгар бўлиш ҳамда мақсадга қараб диққатни тез жамлай олиш ва унга эришиш йўллари топа олишни шахсий сифатларни методик жиҳатдан шаклантиради;

-улар муваффақиятсизликларга оқилона ёндашиш шахсий сифатларни шаклантиради. Бу нафақат тўғри хулосалар билан хатолар устида пухта ишлаш, балки келажакда уларни мақсадга қараб қўллаш шахсий сифатларни ҳам англатади. Буларнинг барчаси ақл-заковатни ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, шунингдек ижодкорликни кучайтиради;

-стратегик ва тизимли фикрлаш чегараларини кенгайтириш. Улар вазиятни таҳлил қилиш ва хаёлда ютуқли мантиқий занжирларни ишлаб чиқишни ўргатади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда бошланғич таълимнинг турли жиҳатлари Б.Абдуллаева, Б.Адизов, Г.Акрамова, Г.Боймуродова, Н.Дилова, Г.Нажмиддинова, Х.Назарова, Р.Нуржанова, Р.Сафарова, Н.Тошева, З.Холматова, Г.Ҳасанова, О.Кархонова ва Ш.Тошпулатовалар томонидан фаол қўлланилган. Таълимда шахмат ўйинларини татбиқ этишда М.Муҳиддинов, А.Мазмудов, М.Хайлаев, Р.Қосимжонов, Эсон Али, Ҳ.Турдиалиев, Б.Холмирзаев ва бошқаларнинг шахмат назарияси ва амалиётига оид изданишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни мантиқий фикрлашга ўргатиш муаммолари Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги (МДҲ) олимлари В.Аверин, Н.Белицкая, В.Белич, В.Библер, В.Гагай, Б.Гейдман, Е.Горлова, Дайана Халпери, Н.Дик, А.Зак, М.Калугин,

Н.Новоторцева, И.Кротов, Г.Левитас, Н.Леонова, Л.Лихтарников, А.Маркова, М.Матюхина, С.Спиридонова, М.Мауерман, Г.Цукерман О.Тарасова. Е.Ревин, В.Князева Я.Габбазова, Г.Несис, Г.Алексеев, Г.Каспаров, А.Зарраш, А.Котов, Н. Крогиус, Т. Петросян ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шахмат таълими жараёнида ўқувчи шахсини шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Хориж олимларидан Э.Фромм, М.Мауерман, А.Маслоу, Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл, Р.Зузоуеу, Роберт Фергюсон, Флориан Ваулон. А.Бисно, Эрнст Бенш, Уве Бенш, Дж. Буль А.Инизиан, Ж.Кальми, С.Френе, П.Кергомар, Ж.Пиаже, С.Бенджамин кабилар томонидан кичик ёшдаги ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, шахмат ўқитиш жараёнини такомиллаштириш зарурати у ёки бу маҳаллари ўрганилган.

Кўплаб машхур шахматчилар шахмат билан илк бор кичик ёшида танишган, хусусан, Х.Капабланка, А.Карпов, П.Керес, С.Решевский, М.Эйве қадимги ўйин билан илк бор 4 ёшида, Н.Гаприндашвили, Г.Каспаров 5 ёшида, В.Смислов, Б.Спасский, Р.Фишер 6 ёшида, А.Алехин, М.Таль эса 7 ёшида танишган. Албатта, шахмат ўйинига жалб қилинган болаларнинг ҳаммаси ҳам чемпион бўлавермайди. Аммо, шахматнинг баркамол шахсни шакллантиришга қўшган ҳиссаси жуда ҳам муҳим.

Хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари, шунингдек, шахматни ўқитиш тажрибаси шуни кўрсатадики, шахмат машғулотларини бошлаш учун 5-10 ёш оралиғи энг қулай давр ҳисобланади, чунки бу даврдан бошлаб болаларда мантиқий фикрлаш ва шахсий сифатлари шакллана бошлайди. Ривожланишнинг бу босқичида шахмат идеал модел ҳисобланади. Бошланғич мактаб ёшида бола ақл-заковатининг жадал шакллантириш нафақат инсон руҳиятида, балки умуман ҳаётида ҳам катта роль ўйнайди. Агар шахмат ҳаммага ўргатилса, шахмат ўйинини ўйнашни давом этиш ёки этмаслигидан қатъий назар, барча болаларга айнан нимани беришини тушуниш билан боғлиқ бўлган “тарбиявий” кўрсатма етакчи бўлиб қолади.

Тадқиқот методологияси

Экспериментал тарзда шахматни фаол ўйнаётган болаларда интеллектуал реакция тезлиги ўйинни ўйнамайдиган болаларга нисбатан 40% юқори эканлиги аниқланди. Бунда ҳар бир боланинг ақл хусусиятлари битта маълумот билан доимий қотиб қолган бўлмайди, балки муайян таълим шароитида прогрессив ўзгаришларга учрашини англатади. Бундай шароитни таъминлашда муҳим ўрин шахматга тегишли.

Шахмат боланинг ҳар томонлама ривожланиш воситасидир. Бу умумий маданиятни юксалтиришга қаратилган ўйин характеридаги умуминсоний интизомдир. Шахмат ташқи ва ички нутқнинг шакллантиришга, комбинатор ва мантиқий фикрлаш, ирода, ҳаётий фаоллик, танқидийлик, ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш, мустақил таълим олиш қобилиятига таъсир қилади.

Мактаб таълимининг муаммоли томони доимо бўлиб келган ва қолаверса, олинган билимларни амалда қўллай олиш қобилиятини бермайди. Шахмат болалар учун амалий жиҳатдан ривожланган ва узвий назарияга эга бўлган қизиқарли амалий фаолиятдир.

Шу сабабли ҳам, барча болаларга шахматни ўргатиш керак ва мутахассисларнинг фикрига кўра, буни амалга оширишнинг энг қулай вақти бошланғич мактабда ёки ҳатто мактабгача ёш даври ҳисобланади. Шахматни ёқтирадиган ўқувчиларга эса

ўқишни ўрта мактабда давом эттириш имконияти берилиши керак.

Кўпинча боланинг келажакда шахмат гроссмейстери бўлиш ички салоҳияти (истеъдоди) мавжуд бўлиши мумкин. Лекин унинг ёши ёки бошқа сабабларга кўра, у ҳали шахматга жалб қилинмайди. Бундай ҳолларда унинг яширин истеъдодини ҳисобга олмасдан, фақат ташқи омиллар асосида қарор қабул қилиб бўлмайди. Афсуски, шахмат дидактикасида табиатнинг “яширин” истеъдодини кўриш, шахматда боланинг ривожланиш имкониятини аниқлаш ва баҳолаш имконини берувчи объектив воситалар йўқ.

Т.Огневанинг фикрича, “Шахмат орқали боланинг ривожланиш сифати ва тезлигини ошириш учун боланинг бу ўйинни ўрганишдан олдин шахмат ўйинига қобилиятини билиш муҳимдир”. У ҳар бир боланинг ҳақиқий ривожланиш соҳасини кўришга имкон берадиган психологик методлар тизимини ишлаб чиқди. Бу ўқув жараёнида боланинг имкониятига қараб юкломани аниқлаш имконини беради. Натижада боланинг мантиқий фикрлаш прогнози оширилади.

Шахмат ўйнаш мантиқий фикрлаш ҳолисона баҳолаш учун шахматчиларга қўйиладиган талабларни, яъни шахматчи қандай психологик, физиологик, ақлий, ижодий, ахлоқий сифатларга эга бўлиши кераклигини билиш керак. Шундай қилиб, шахмат ўйини учун боланинг салоҳиятини ҳар томонлама баҳолаш асосий вазифа ҳисобланади. Бунда турли хил диагностик воситалар ва усуллардан фойдаланиш мумкин. Шахматни ўрганиш ва шахсни шакллантиришни ташхислашнинг бу усуллари бутун ўқув материални қамраб ҳолда ривожлантирувчи таълим тамойилларига асосланиши лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларига шахмат ўйинига мантиқий ва шахсий сифатларни аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш мураккаб бўлиб, у махсус психологик-педагогик диагностик усулларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бизнингча, бундай восита ва усуллар шахмат ўйинининг барча таркибий қисмларини тизимли баҳолашга асосланиши лозим. Салоҳиятни баҳолашга ҳар томонлама ёндашиш шахмат оламининг энг яхши вакиллари эга бўлган шахсий фазилатларни ҳисобга олган ҳолда ва уларнинг юқори даражадаги муваффақияти учун шарт-шароитлар нуқтаи назаридан ишлаб чиқилиши керак.

Бошланғич синф ўқувчиларининг шахмат ўйнаш мантиқий ва шахсий сифатларни аниқлаш бўйича таклиф этилаётган мажмуавий методикаси истеъдодли шахматчиларга хос бўлган психологик, жисмоний, ақлий, ижодий ва маънавий-ахлоқий сифатларни ўз ичига қамраб олган.

Бошқа усуллардан фарқли равишда таклиф этилаётган асосан эмпирик ва анкета маълумотларига асосланган мураккаб методика илмий ва ихтисослаштирилган адабиётлар таҳлили, психологик- педагогик тажрибалар, шахмат дарсларини ўқитиш тажрибаси ва дунёнинг етакчи шахматчиларининг фикрлари асосида ишлаб чиқилади. Истеъдодли шахматчи учун белгиланган талабларни 5та блок гуруҳга ажратдик: психологик, жисмоний, интеллектуал, ижодий ва маънавий-ахлоқий. Табиийки, уларнинг барчаси ўзаро боғлиқдир. Ушбу гуруҳлаш шартли бўлиб, боланинг шахмат йўлининг бошида керакли ривожланиш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Бу фарқланиш ана шу фазилатларнинг қайси бири туғма деб ҳисобланиши ҳаёт давомида шакллантириш мумкинлиги ҳамда

уларнинг қайси бири фақат шахмат ўйинига тааллуқли эканлигини аниқлаш имконини беради.

Шахматчи шахсиятига қўйиладиган талаблар :

Психологик-хотира, диққат, рефлексия, концентрация, ўз-ўзини англаш, стрессга қаршилиқ, вазминлик, ўзини ўзи, ўзига ишонч, кунт билан ишлаши, мобиллик, ҳиссиётларини назорат қилиши, диққатини кўчира олиши ва бошқ.

Интеллектуал-умумилмий билимлар, шахмат назарияси, асосийни ажратиб олиш кўникмаси, маълумотни таҳлил қилиши, рақибнинг психологиясини ўрганиш кўникмаси, тафаккур фаоллиги ва бошқ.

Креатив-муаммони кўра олиши, тафаккурининг тизимлилиги мантиқийлиги, ташаббускорлик, тафаккурининг дивергентлиги ва бошқ.

Жисмоний- ирода сифатлари, меҳнаткашлиги, ўзини ўзи ташкил қила олиши, интизом, жангчи сифатлари, ўзини ўзи назорат қила олиши, чарчоғини назорат қилиши ва бошқ.

Ахлоқий-мотивация мулоқот маданияти ахлоқий қадриятлар ёрдам кўрсатишга тайёр эканлиги этик меъёрлар ва бошқ.

Аниқланган талаблар ва уларнинг таркибий қисмлари асосида боланинг шахсий сифатлари мослигини аниқлаш учун диагностик воситалардан фойдаланиш мумкин.

Ташҳис натижаларини таҳлил ва талқин қилиш

Юқорида қайд этилганидек, шахматни ўрганиш мантиқий ва шахсиф сифатлари шаклантириш ҳар томонлама баҳолаш ўқувчи шахсининг психологик, ақлий, ижодий, жисмоний, маънавий ва ахлоқий сифатларини аниқлашдан иборат. Қуйида синалувчи шахс хусусиятлари ва ташҳис воситалари ҳамда ривожланиш даражаси кўрсатилган жадвал келтирилган. Тавсия этилган воситалар (тестлар, шахмат ўйини, масалалар ечиш) асосида сонли кўрсаткичлар аниқланади ва жадвалга киритилади.

2-4 синф ўқувчиларида мантиқий ва шахсиф сифатлари шаклантириш такомиллаштириб ўқитиш смарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари (фоизда) (тажриба синфи-960 нафар, назорат синфи-790 нафар ўқувчи)

| т/ р | Мезонлар | Синфлар | Ўзлаштириш даражалари | | | | | |
|---------|-----------------------------------|---------|-----------------------|------|------|-----------------|------|------|
| | | | Тажриба бошида | | | Тажриба якунида | | |
| | | | юқори | ўрта | паст | юқори | ўрта | паст |
| 1 | Хотира | Тажриба | 260 | 300 | 400 | 480 | 320 | 160 |
| | | Назорат | 230 | 245 | 315 | 195 | 275 | 320 |
| 2 | Диққатни жамлаш | Тажриба | 285 | 315 | 360 | 460 | 325 | 175 |
| | | Назорат | 145 | 270 | 375 | 285 | 270 | 235 |
| 3 | Стрессга нисбатан чидамлилиги | Тажриба | 295 | 290 | 375 | 470 | 325 | 165 |
| | | Назорат | 160 | 275 | 355 | 190 | 270 | 330 |
| 4 | Шахмат назариясини билиш даражаси | Тажриба | 260 | 345 | 355 | 475 | 330 | 155 |
| | | Назорат | 200 | 265 | 325 | 275 | 260 | 255 |
| 5 | Аниқ фанларни билиш даражаси | Тажриба | 310 | 335 | 315 | 575 | 230 | 155 |
| | | Назорат | 240 | 230 | 320 | 200 | 350 | 240 |

| | | | | | | | | |
|------------------|-------------------------|---------|------|------|------|------|------|------|
| 6 | Ирода сифатлари | Тажриба | 300 | 255 | 405 | 490 | 300 | 170 |
| | | Назорат | 220 | 210 | 360 | 290 | 150 | 350 |
| 7 | Меҳнатсеварлик | Тажриба | 245 | 220 | 495 | 495 | 305 | 160 |
| | | Назорат | 290 | 365 | 135 | 190 | 250 | 350 |
| 8 | Интизом | Тажриба | 310 | 290 | 360 | 465 | 325 | 170 |
| | | Назорат | 165 | 285 | 340 | 280 | 290 | 220 |
| 9 | Ўзини ўзи назорат қилиш | Тажриба | 225 | 355 | 380 | 480 | 345 | 135 |
| | | Назорат | 160 | 275 | 355 | 175 | 285 | 330 |
| 10 | Сабрлилиги | Тажриба | 210 | 295 | 455 | 510 | 295 | 155 |
| | | Назорат | 290 | 180 | 320 | 220 | 300 | 270 |
| Ж а м и: | | Тажриба | 2700 | 3000 | 3900 | 4900 | 3100 | 1600 |
| | | Назорат | 2100 | 2600 | 3200 | 2300 | 2700 | 2900 |
| Ў р т а ч а с и: | | Тажриба | 270 | 300 | 390 | 490 | 310 | 160 |
| | | Назорат | 210 | 260 | 320 | 230 | 270 | 290 |

2-4 синф ўқувчиларида мантиқий ва шахсий сифатлари шакллантиришни такомиллаштириб ўқитиш смарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ўзлаштириш натижалари

| Синфлар | 2-4 синф ўқувчилари сони | Ўзлаштириш даражалари | | |
|---------------|--------------------------|-----------------------|------|------|
| | | Юқори | Ўрта | Паст |
| Тажриба синфи | 960 | 270 | 300 | 390 |
| Назорат синфи | 790 | 210 | 260 | 320 |

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва 2-4 синф ўқувчилари сонини мос равишда $X_i n_i$ лар ва шу каби назорат синфидагини эса $Y_j m_j$ лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, юқори кўрсаткични 3 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 2 балл билан ва паст кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз.


Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 270; & 300; & 390 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 960$$

Назорат синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 210; & 260; & 320; \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 790$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



1-расм. Тажриба бошида.

2-4 синф ўқувчиларида мантиқий ва шахсий сифатлари шакллантиришни такомиллаштириб ўқитиш смарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан кейинги ўзлаштириш натижалари.

| Синфлар | 2-4 синф ўқувчилари сони | Ўзлаштириш даражалари | | |
|---------------|--------------------------|-----------------------|------|------|
| | | Юқори | Ўрта | Паст |
| Тажриба синфи | 960 | 490 | 310 | 160 |
| Назорат синфи | 790 | 230 | 270 | 290 |

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва 2-4 синф ўқувчилари сони бўйича мос равишда юқоридаги каби белгилашлар киритамиз.


Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3; 2; 1; \\ n_i & 490; 310; 160; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 960$$

Назорат синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_j & 3; 2; 1; \\ m_j & 230; 270; 290; \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 790$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



2-расм. Тажриба якунида.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 2,34$; $\bar{Y} = 1,94$ $\Delta_x = 0,05$; $\Delta_y = 0,1$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,34 - 0,05}{1,92 + 0,1} = \frac{2,29}{1,93} = 1,18 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,34 - 0,05) - (1,92 - 0,1) = 2,29 - 1,91 = 0,38 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, 2-4 синф ўқувчиларида мантиқий ва шахсий сифатлари шакллантиришни ўқитиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

Хулоса ва таклифлар

Болаларни шахмат ўйнашга ўргатиш жараёни уларда мантиқий ва шахсий сифатлари шакллантиришни кўп жиҳатдан ёрдам беради. Бу шахмат ўйновчи ўқувчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлиб, бунда унинг хотира, диққат ва фикрлаш каби руҳий жараёнларини ўз ичига қамраб олади.

Шахмат ўйини мактаб ўқувчиларининг кўرғазмали ва образли тафаккурини ривожлантиради, мантиқий тафаккурнинг пайдо бўлишига кўмаклашади, қатъиятли, диққатли бўлишни, фикрлашни ва мақсадга интилишни ўстиради. Бу ўйинни ўрганган бола ўз-ўзини танқид қилади, мантиқий фикрлашга, устақил қарор қабул қилишга, охиригача курашишга, муваффақиятсизликлардан тушкунликка тушмасликка одатлантиради.

Шахмат фаолияти орқали ўқув жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлаш ва шахсий сифатларини шакллантириш юзасидан кўйдаги тавияларни илгари сурамиз.

1. Ўқувчиларни мантиқий фикрлаш ва изчил тўғри тартибларга ўргатиш: таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, таснифлаш, ўхшатишларни қиёмаш..
2. Ўқувчиларнинг мантиқий кўникма ва малакалар тизимини шакллантириш.
3. Ўқувчиларни ўз-ўзини мантиқий хатоларини аниқлаш ва танқидий муносабатга ўргатиш.
4. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши даражасини диагностика қилиш.
5. Ўқувчилар фаолиятини уларнинг мантиқий тафаккурини шакллантиришни мотивациявий ўрганиш.
6. Шахматни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган мантиқий вазифалар тизимини ўқитувчи томонидан ишлаб чиқиш.
7. Шахмат фаолиятини ташкил этиш структурасининг мантиқий тафаккурни шакллантириш вазифаларига оптимал мослигини ҳисобга олган ҳолда дарс материални изчил тузиш.

Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш ва шахсий сифатларини шакллантириш даражасини бошқариш ва коррекциялаш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада шакллантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. - 6 (766)-сон. -Б. 38.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги "Шахматни янада шакллантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4954-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 5 августдаги Шахматни янада оммалаштириш ва шакллантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-347-сон қарори.
4. Анишева В.Е. Методические особенности Индивидуализированного начального обучения шахматам детей младшего школьного возраста. Дисс. канд. пед. наук. РГАФК. - М., 2002. - 163 с.
5. Барташников А. Психологические особенности и формирование оперативной памяти у школьников и шахматистов. Дисс. канд. псих. наук. - М., 1988. - 211 с.
6. Вершинин М. А. Теория проектирования системы формирования логического мышления шахматистов: дис.доктора педагогических наук, Волгогр. гос. акад. физ. культуры. – Волгоград, 2005. -506 с.
7. Габбазова А.Я.Интеллектуальное развитие детей младшего актуальное развитие детей младшего школьного возраста в процессе обучения шахматной игре : Дисс. канд. псих. наук. 19.00.07: М., 2005 151 с. РГБ ОД, 61:05-19/671.
8. Гришин В. Г. Дети играют в шахматы: Кн. для воспитателей дет. сада и родителей. 2-е изд., дораб. -М.: Просвещение: АО “Учеб. лит.”, 1995. -159 с.
9. Джураев Р.Х., Махмудов А.Х., Камилова А.Б. Шахматы – как эффективное средство непрерывного формирования и развития творческих способностей детей. -Т.: Узлуксиз таълим, 2019. -№3. -58-64 с.
10. Зак А. Путешествие в Сообразию или как помочь ребенку стать смышленным. НПО «Перспектива», - М., 1993.
11. Князева В. В. Структура и содержание учебного предмета шахматы в системе общеобразовательной школы России. - Дисс. на соиск. д.п.н., М.: 2000. -410 с.
12. Махмудов А.Х. va boshq. Shaxmat birinchi marotaba o'rganuvchilar va umumta'lim maktablari uchun: o'quv-metodik qo'llanma/ - Toshkent: Nodirabegim nashriyoti, 2021.- 96 b.
13. Махмудов А., Якубов Ж. Болаларнинг ижодий қобилиятини шахмат уйинини ўргатиш орқали шакллантириш. -Т.: Мактаб ва ҳаёт. -Тошкент, 2019. N 2. 8-10. Б.
14. Махмудов Х., Тошев А., Тошев М. Бошланғич синф ўқувчиларнинг шахмат ўйинига қлбилиятларини баҳолашнинг инновацион усуллари. Методика қўлланма.-Т.: 2022.
15. Сухин И. Шахматы в начальной школе: задачник.- Москва:Издательство АСТ: Кладезь, 2019. -320 с.
16. Тарасова О. В. Педагогические условия формирования логической культуры младших школьников средствами шахматной деятельности: Дис . канд. пед. наук. - Казань, 2005. — 209 с.
17. Уманская Э.Э. Шахматы в школе. Первый год обучения: учеб. пособ. для общеобр.

Орган. 2-изд. -М.: Просвещение, 2018.-175 с.